

СПОРТ СОҲАСИДА САМАРАЛИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.

Сафаров Ўлмасбек Султон ўғли
ЎзДЖТСУ.

ММТ 51-23-гуруҳ магистранти.

ulmasbek.safarov0206@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.12589279>

Аннотация. Уибу мақолада спорт соҳасида самарали бошқариши тизимини тажомиллаштириши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Калим сўзлар: Спорт, спорт ташкилотлари, замонавий менежмент, Спорт соҳаси ходимлари.

IMPROVING THE EFFECTIVE MANAGEMENT SYSTEM IN THE FIELD OF SPORTS.

Abstract. This article provides information on improving the effective management system in the field of sports.

Key words: Sport, sports organizations, modern management, employees of the sports sector.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ЭФФЕКТИВНОЙ СИСТЕМЫ УПРАВЛЕНИЯ В СФЕРЕ СПОРТА.

Аннотация. В данной статье представлена информация по совершенствованию эффективной системы управления в сфере спорта.

Ключевые слова: Спорт, спортивные организации, современный менеджмент, работники спортивной сферы.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг спорт ташкилотлари, спорт клублари, корхоналари ва муассасалари фаолиятида учрайдиган муаммоларни замонавий менежмент тизимини самарали ташкил этиш орқали ҳал этиш вазифаси турибди. Спорт соҳаси ходимлари ва тадбиркорлари замонавий менежмент тизими бўйича етарли билим ҳамда тажрибага эга бўлмаганлиги сабабли, улар хўжалик, тижорат ва бошқарув вазифаларини ечишда тор доирадаги ёндашувлардан фойдаланмоқдалар. Бу эса, улар фаолияти самарадорлигини пасайишига олиб келмоқда. Мазкур муаммоларни ўрганиш бўйича замонавий менежмент ва маркетинг илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш соҳадаги муаммоларни илмий ечимини аниқлашда долзарб ҳисобланади.

Бугунги кунда иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда жисмоний тарбия ва спорт нафақат миллат саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда мамлакатни бутун дунёга танитиш воситаси бўлибгина қолмай, балки иқтисодиётнинг салмоқли фойда келтирувчи тармоғи бўлган спорт индустрисига айланган. Спорт соҳасида замонавий менежмент тизими жисмоний тарбия ва спорт ташкилотларининг бошқарувида муҳим роль ўйнайди.

Турли хил жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари фаолиятини янада ривожлантириш, уларнинг бошқарув тизимига замонавий билимларга эга бўлган малакали ёш иқтидорли мутахассисларни тайёрлашни талаб этади.

Юқоридаги маълумотлар шуни кўрсатадики, мамлакатимизда ҳам спортнинг индустря даражасига етишиши учун жисмоний тарбия ва спорт менежментининг роли ва уни такомиллаштириши муҳим ахамият касб этади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ижтимоий иқтисодий ислоҳотлар жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожланиши учун имкониятлар яратмоқда. Лекин жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги тизимли муаммоларни, яъни:

-мамлакатимизда спорт соҳасини ривожланишида муҳлислар муайян қизиқишининг пастлиги;

-миллий жамоалари учун юқори даражадаги ўйинчиларининг етишмаслиги;

-профессионал спортнинг ривожланишида иқтисодий модел ва тушунчанинг йўқлиги;

-мусобақаларнинг эфирдаги телекўрсатувлари (ТВ) хукуки келишувидан келадиган даромадларнинг мавжуд эмаслиги;

-жисмоний тарбия ва спорт миллий интеграциялаштирилган ахборот тизимини, шу жумладан, спортчилар фаолиятини рўйхатга олиш ва ҳисобга олиш бўйича – “Skm-sportsmen”, тренерларнинг маълумотлар базасини таъминлаш бўйича “Skm-trener” ва республиканинг жисмоний-тарбиясоғломлаштириш ва спорт иншоотларини паспортлаштиришни таъминлаш бўйича - “Skm-sportinshoot” ахборот тизимлари орқали спорт натижалари мониторинги ва ютуқларни баҳолаш тизимларини ташкил этиш ҳамда ўз навбатида жисмоний-тарбия ва спорт соҳасининг турли йўналишларида спорт менежмент тизимини шакллантиришни тақозо этади. Мамлакатимиз спорт ташкилотларининг ривожланишида мазкур муаммоларни ижобий ҳал қилиш учун жисмоний тарбия ва спорт соҳасида менежмент тизимини яратиш қўйидаги долзарб масалаларнинг ечимларини топишига:

-спорт ташкилотларида менежмент фаолиятини ташкил этиш орқали бошқарув қарорларини қабул қилишга;

-бозордаги брендни янада кучайтиришга ва унинг таниқлилигини оширишга;

-мустақил даромад топиш манбаларини излашга;

-ҳомийлик ва реклама фаолияти самарадорлигини оширишга;

-мижозларга нисбатан алоҳида ёндашувни амалга оширишга;

-спорт ташкилотларининг имижини яхшилашга;

-рақобатбардош спорт маҳсулотларини ишлаб чиқаришга, уларни нафакат ички истеъмол бозорига, балки ташқи бозорларга ҳам чиқаришга;

-давлат ва хусусий мулк муштараклигига спорт менежмент стратегияси учун зарур бўлган асосни яратишга;

-мураббийлар, спортчилар, ҳакамлар ва бошқа спорт ташкилотлари субъектлари уюшмасининг шаклланишига;

-ишқибозлар, ҳомийлар, спортчиларни сотиш ва сотиб олиш, оммавий спорт, спорт бизнеси, соғлом турмуш тарзи ҳамда спорт соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш ва уни тартибга солиш тизимини ривожлантиришнинг иқтисодий асосларини ишлаб чиқишига имкон беради. Мамлакатимиздажисмоний тарбия ва спорт хизматлари бозорини ялпи тадқиқ этиш, ўз имкониятларини ва стратегиясини аниқлаш спорт мажмуаларини ҳудудий

бошқарув тизими ривожи фаолиятини энг мақбул бўлган хизматлар бозорини танлаб олиш имкониятини яратади. Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт фаолияти инфратузулмасининг элементи сифатида ўсиб бораётган спорт мажмуалари фаолиятининг роли юқори бўлиб, бозор муносабатларининг жаҳон тажрибаси асосида бошқариш усуллари ва шаклларининг такомиллашишига зарурият туғдиради ва уни мамлакатимиздаги мавжуд ўзгаришлар билан боғлайди. Ривожланиб бораётган жисмоний тарбия ва спорт соҳаси фаолиятини ўсиб бориши бошқарув ёндашувини ўзига хос аҳамиятини ифода этади. Ўзбекистоннинг йирик шахарлари, вилоят марказларида спорт мажмуалари, стадионлар, тенис кортлари, сув ҳавзаларида ўтказилаётган расмий мусобака жараёнида турли хил рекламалар ташкил этилмоқда ҳамда телевидения, радио орқали спорт соҳасидаги янгиликлари тарғиб қилинмоқда. Бундай фаолиятлар спорт менежментининг юртимизга қадам қўяётганлигидан дарак беради. Оммавий ахборот воситалари орқали жисмоний тарбия ва спорт соҳасини тарғиб қилиш билан биргаликда унинг тараққиётидаги асосий босқичлар, омиллар ҳам ёритиб борилмоқда. Бунда спорт лотто, стадионлардаги қатнашиб келаётган томошабинларнинг сони, ҳомийларнинг амалий жиҳатдан кўрсатаётган моддий ёрдамлари ҳам ўз ифодасини топмоқда. Спорт бошқаруви жараёнини асосий мақсадларига эришиши мунтазам ўзаро боғлик ҳаракатларни талаб қиласди. Ҳар бири ўзига хос жараён ҳисобланган ушбу ҳаракатлар ташкилотнинг муваффақияти учун жуда муҳимдир. Ҳар бир бошқарув функцияси ҳам жараённи намоён этади. Шунинг учун жисмоний тарбия ва спорт соҳасини бошқарув таркибий тузулмаси муҳим аҳамият касб этади. Бунда ҳар бир ходимни функционал вазифаси аниқ белгилаб қўйилади. Мамлакатимизда тошкilotларни бошқаришда замонавий бошқарув усулларидан, технологиялардан, маркетинг тамойиллари ва концепцияларидан кенг фойдаланиш талаб этилади. Ташкилотни бошқаришнинг мақсади тизимнинг тўғри ва мураккаблик даражасига қараб ўзгаради. Бошқарувнинг ташкилий тузилишининг динамик барқарорлиги, ўзгариши ва ташқи муҳит билан ўзаро таъсири унинг мақсади ва мезонини белгилаб беради. Жисмоний тарбия ва спорт менежменти жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг қўпгина йўналишларида маҳсус фаолият сифатида хизмат қиласди. Бу халқаро спорт тараққиётида, айниқса қитъалар, мамлакатнинг йирик мусобақаларида кўпроқ учрайди. Яъни, спорт уюшмалари ўртасида командаларни етук спортчилар билан таъминлаш, уларнинг талаб ва эҳтиёжини қондириш, спортчилар билан шартноматузиш каби фаолиятлар жараёнида хилма хил усуллар, мулоқотлар, муносабатлар, келушувчилик каби фаолият мавжуд бўлади. Шу ўринда спорт уюшмалари муҳитида менежментнинг комплекс хусусиятлари мавжуддир. Спорт ташкилотлари ўз фаолиятларини юритишида менежментга хос хусусиятларга эга бўлган турли хил хизмат турларини ҳамда ундан даромад олиш йўлларини афзал кўради. Шунинг учун бокс, футбол, кураш, тенис, шарқона якка курашлар ҳамда бошқа спорт турлари бўйича спорт клублари ва командаларда менежмент фаолиятларини шаклантириш зарур бўлади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, биринчи навбатда, ички ва ташқи бозорларда иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини ошириш, энг илғор технологиялардан фойдаланган ҳолда, реал сектор тармоқларини модернизациялаш, дивертификациялаш ва бунинг учун илм-фан ҳамда ишлаб чиқариш ўртасидаги халқаро интеграция алоқаларини кенгайтириш, хорижий

сармоялардан самаради фойдаланиш ва менежмент тизимини ташкил этиш катта аҳамият касб этади. Шу муносабат билан иқтисодиётни модернизациялашда спорт мажмуалари фаолиятидан фойдаланишнинг самарадорлик даражасини янада ошириш, спорт хизматида рақобат муҳитини шакллантириш, келгусида спорт хизматига бўлган талабни янада чуқурроқ ўрганиш, спорт ташкилотларида инновацион фаолиятни янада ривожлантириш соҳасидаги бошқариш вазифаларини ҳал қилиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Менежментга энг аввало иқтисодий характердаги масалаларда масъул қарорлар қабул қилиш зарур. Бунинг учун фақат қарор қилинаётган соҳагина эмас, балки бошқа бир қатор замонавий фанлар: психология, социология ва информатика соҳаларига тегишли бўлган маҳсус билимлар ҳам керак бўлади. Ундан ташқари, бу билимлар «шунчаки» билимлар бўлиб қолмай, аник қарорлар тайёрлаш, қабул килиш ва амалга ошириш билан «боғланган» бўлиши керак. Иқтисодий ривожлантиришнинг ҳозирги замон босқичида, жисмоний тарбия ва спорт фаолиятини ташкил этиш бўйича самаради бошқарувчи қарорлар қабул килиш турли соҳадаги мутахассисликларни: спорт менежерлари, тренерлар, технологлар ва бошқаларнинг баҳамжиҳат харакат қилишларини талаб килади.

Чет эл олийгоҳларида яъни Deutsche Sporthochschule Köln (Germany), Pennsylvania State University (USA), National Institute of International Education (NIIED)/Seoul National University (South Korean) (NIIED) ва The University of Exeter (Great Britain) университетларида тайёрланётган спорт менежерлари спорт ташкилотларида доимий мавқеига эга бўлган ва бозор шароитида унинг фаолияти масалалари бўйича қарорлар қабул қилиш ваколатига эга раҳбар сифатида таништирилади. Спорт менежерининг иши унинг қилган иши билан эмас, балки бошқа одамларни ишлашга қандай ундашига қараб баҳоланади. Спортнинг менежмент фаолияти жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг ривожланишидаги энг муҳим омиллардан биридир.

Тарихан, мамлакатимизда спортни бошқаришда мураббийлар, инструкторлар ва методистлар жалб қилинган. Улар кўпинча тарбиявий ишларни спорт клублари, спорт жамиятлари, спорт федерациялари раҳбарияти билан биргаликда амалга ошириб туришган, гарчи уларнинг лавозим йўриқномаларида бундай вазифаларни бажариш кўзда тутилмаган бўлсада.

Спорт менежменти спорт соҳасидаги менежерларнинг касбий фаолиятининг алоҳида тури сифатида уларнинг меҳнатлари тақсимланиши ва ҳамкорлиги натижасида вужудга келади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, спорт менежерларининг пайдо бўлишининг сабаби бозор рақобати шароитида менежерларга алоҳида талаблар қўйди.

Спорт ташкилоти муайян спорт турининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда маълум бир ички бошқарув тузилишга эга. Унда бўлимлар, бўліммалар, гурухлар, жамоалар мавжуд. Бошқача қилиб айтганда, спорт ташкилотида бошқарув фаолиятининг ҳар хил турлари мавжуд. Бу шуни англатадики, менежерлар турли даражаларда бўлишади ва улар турли вазифаларни ҳал қилишади.

Менежерлар одатда учта асосий гурухга бўлинган:

- стратегик даражада (топ менежер) - бу спорт мактаблари, спорт мажмуалари раҳбарлари, спорт клублари ва федерациялар президентлари ва ҳ.к.;
- тактик даражада (ўрта менежер) - бўлим бошлиқлари, мустақил бўлимлар ва ҳ.к.;

-бошқарув даражасида (кичик менежери) - турнерлар, гурух раҳбарлари, тиббий ходимлар ва бошқалар.

Спорт менежерлари яна касбий фаолият турларига бўлинади: бош менежер, ташкилотнинг кадрлар бўйича менежери, реклама бўйича менежер, маркетинг менежери, молиявий ишлар бўйича менежер, спортчининг вакили, спорт аналитик менежери ва бошқалар.

Спорт менежерлари, бошқарув фаолиятининг субъекти бўлиб, ташкилотда бир қатор ўзига хос функцияларни бажарадилар. Улар орасида учта асосий функциялар ажралиб туради.

1.Қарор қабул қилиш функцияси. Бу менежер ташкилотнинг фаолият йўналишини белгилайди, ресурсларни тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қиласи ва доимий равишда тузатишлир киритади.

2.Ахборот функцияси. Менежер ўзи ишлаётган спорт ташкилотининг ички ва ташқи муҳити тўғрисида маълумот тўплайди, ушбу маълумотларни меъёрий таҳлил қилиш асосида тарқатади ва ходимларга ташкилотнинг бевосита ва келажакдаги мақсадларини тушунтиради.

3.Раҳбарнинг вазифаси. Менежер ташкилот ичида ва ундан ташқарида муносабатларни шакллантирадиган, ташкилотнинг аъзоларини мақсадларга эришишга ундейдиган, уларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштирадиган ва ниҳоят, бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкилот вакили сифатида ишлайдиган спорт ташкилотининг раҳбари сифатида ишлайди.

Спорт менежерининг профессионаллиги ташкилотни бошқариш технологияси ва бозор қонунларини билиш, жамоавий ишларни ташкил этиш ва ташкилотнинг ривожланишини башорат қилиш қобилиятида намоён бўлади.

Афсуски, мамлакатимизда спорт менежменти мутахассиларига талаб ва таклифнинг бозор механизми ҳали шакллантирилмаганлигини таъкидлаш керак. Спорт соҳаси менежлари учун профессионал стандартларни жорий этиш ва мутахассисларни мажбурий сертификатлаш зарур. Бу, бир томондан, соҳадаги бошқарув кадрларини инвентаризация қилиш, бошқа томондан, спорт менежменти лавозимларининг умумий рўйхатидаги менежмент мутахассисликларининг устуворликларини аниqlашга имкон беради.

REFERENCES

1. Балтаева И. Т. и др. USE OF VIRTUAL LABORATORIES TO CONDUCT FOOTBALL TRAINING //MODERN SCIENCE AND RESEARCH. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 709-718.
2. Jumayev U. X., Kazoqov R. T., Abdusalomov I. K. QUANTITATIVE EVALUATION OF QUALITY INDICATORS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 229-240.
3. Qutlimurotov I. X. et al. THE PROCESS OF ORGANIZING EDUCATIONAL ACTIVITIES OF STUDENTS AND MASTERING PERSONAL PROFESSIONAL KNOWLEDGE //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 869-879.

4. Солиев И. Р. и др. МОРФО-ФУНКЦИОНАЛ ВА АНТРОПОГЕНЕТИК ТАДЌИКОТ НАТИЖАЛАРГА КЎРА ФУТБОЛЧИЛАРНИНГ ИШЧАНЛИК НАТИЖАЛАРИНИ БАШОРАТ ҚИЛИШ //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 6.
5. Тажибаев С. С. и др. ЖАХОН ЧЕМПИОНАТИ 2022 ЙИЛГИ ФУТБОЛЧИЛАР АНТРОПОМЕТРИК ЎЛЧАМЛАРИ ВА ТЕЗЛИК СИФАТИ ОРАСИДАГИ КОРРЕЛЯЦИЯНИ ЎРГАНИШ //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 6.
6. Тажибаев С. С. и др. 13-14 ЁШЛИ ФУТБОЛЧИЛАРНИНГ ТЕХНИК-ТАКТИК ҲАРАКАТЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШ САМАРАДОРЛИГИ //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 6.
7. Boltayeva I. T. et al. PERIODS OF PRODUCTION EDUCATION. THE PERIOD OF INITIATION, PREPARATION, ACQUISITION AND COMPLETION OF THE PROFESSION //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 561-569.
8. Ganieva M. et al. THE UNITY OF TECHNIQUE, TACTICS AND STRATEGY IN TABLE TENNIS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 1175-1183.
9. Usmonova S. H., Akmurodov M., Kazokov R. THE INFLUENCE OF TEMPERAMENT ON THE CHOICE OF SPORTS ACTIVITIES //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 63-70.
10. Umaraliyeva F. T., Kazoqov R. T. THE ROLE OF SPORTSWOMEN IN THE DEVELOPMENT OF SOCIETY AND IN THE DEVELOPMENT OF SPORTS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 1124-1131.
11. Mustafayeva N. A., Kazoqov R. T. USING THE MAIN CHARACTERISTICS AND POSSIBILITIES OF THE ELECTRONIC SCHEDULE IN SOLVING ISSUES RELATED TO PHYSICAL EDUCATION AND SPORTS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 1115-1123.
12. Kazoqov R. T., Axatov L. K. SPORT TOMOSHASINING ESTETIKASI. – 2024.
13. Jumayev U. X. et al. " PEDAGOGICAL EDUCATION INNOVATION CLUSTER" MEANS COMMON GOALS AND SPECIFIC INTERESTS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 552-560.
14. Umarov D. X. et al. NATIONAL MOVEMENT FOR THE DEVELOPMENT OF PRIMARY CLASS STUDENTS'PHYSICAL PREPARATION USING GAMES //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 732-741.
15. Umarov D. X. et al. THE EFFECTIVENESS OF USING A SET OF SPECIAL EXERCISES IN ANNUAL PREPARATION TRAINING OF SHORT-DISTANCE RUNNERS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 742-753.
16. Jumayev U. X. et al. " PEDAGOGICAL EDUCATION INNOVATION CLUSTER" MEANS COMMON GOALS AND SPECIFIC INTERESTS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 552-560.
17. Turopovich K. R., Rixsibayevna D. S. ENHANCING ENGLISH LANGUAGE LEARNING THROUGH PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES. – 2024.
18. Kazakov R. T. et al. MULTIMEDIA SYSTEMS AND DISTANCE LEARNING TECHNIQUES IN SPORTS SOX //Modern Science and Research. – 2023. – Т. 2. – №. 9. – С. 99-105.

19. Казоқов Р. Т. и др. МАМЛАКАТИМИЗ ЯНАДА ЮКСАЛИШИДА БОЛАЛАР СПОРТИНИНГ ЎРНИ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 9. – С. 5-11.
20. Казоқов Р. Т. и др. ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМДА КЕЙС-СТАДИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИ ШАКЛАНТИРИШ ЮЗАСИДАН ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИНГ НАТИЖАЛАРИ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 6. – С. 111-115.
21. Казоқов Р. Т. Кейс стади технологияларидан фойдаланиб талабаларнинг масофавий таълим технологиялари асосида педагогик маҳоратини шакллантириш //Замонавий футболни ривожлантириш тенденциялари: муаммо ва ечимлари. – Т. 11. – №. 1.
22. Jumayev U. X. et al. " PEDAGOGICAL EDUCATION INNOVATION CLUSTER" MEANS COMMON GOALS AND SPECIFIC INTERESTS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 552-560.
23. Murod o'g'li P. D. MAMLAKATIMIZDA JISMONIY TARBIYA VA SPORTNING RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI. – 2023.
24. Achilov O. H. TO INCREASE THE INTEREST OF ELEMENTARY SCHOOL STUDENTS IN SPORTS AND TO MAKE THEM REGULARLY ENGAGE IN SPORTS //Educational Research in Universal Sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 1. – С. 218-220.
25. O'G'Lи S. O. S., Nurullayev A. Q. THE ORIGIN AND DEVELOPMENT OF ATHLETICS //BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMYJURNALI. – 2022. – Т. 2. – №. 3. – С. 10-15.
26. O'lmasbek S. MIDDLE LONG DISTANCE RUNNING //BOSHQARUV VA ETIKA QOIDALARI ONLAYN ILMYJURNALI. – 2022. – Т. 2. – №. 3. – С. 10-12.
27. Nurullayev A. Q., Ogli S. U. S. JUDO ACHIEVEMENT AT THE 2021 SPORTS COMPETITION AT THE UNIVERSITY //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2022. – Т. 10. – №. 2. – С. 234-236.
28. Umarov D. X. et al. THE EFFECTIVENESS OF USING A SET OF SPECIAL EXERCISES IN ANNUAL PREPARATION TRAINING OF SHORT-DISTANCE RUNNERS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 742-753.
29. Jumayev U. X. et al. " PEDAGOGICAL EDUCATION INNOVATION CLUSTER" MEANS COMMON GOALS AND SPECIFIC INTERESTS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 552-560.
30. Boltayeva I. T., Tashnazarov D. Y., Kazaqov R. T. TECHNICAL-TACTICS OF 13-14-YEAR-OLD FOOTBALL PLAYERS EFFICIENCY OF EDUCATIONAL ACTIONS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 6. – С. 91-98.